



АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ ҲАМДА МАДАНИЯТ МАКТАБЛАРИГА АСОС СОЛИНИШИ

Маъруфжон Аноров Собир ўғли¹

Мавлуда Рахманова Эркин қизи²

¹ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
2-курс магистри,

² Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети 2-курс магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5839706>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-Yanvar 2022
Ma'qullandi: 05- Yanvar 2022
Chop etildi: 10- Yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

Шарқ ренесанси;
кутубхоналар,
мадрасалар
тараққиёти; маданият
марказлари: Самарқанд,
Хирот, Шахрисабз; Амир
Темур, Мирзо Улуғбек,
Шохрух ислоҳотлари;
маданият мактаблари.

ANNOTATSIYA

Мақолада юртимиз тарихининг энг шонли даври - Амир Темур ҳамда темурийлар даврида таълим - тарбия масаласида олиб борилган ислоҳотлар, илм-фан ривожланиши; жаҳон олимлари ва тадқиқотчилари тан олиб эътироф этган маданият ривожига масаласи ёритилган.

“Мен Амир Темур замонида бўлсайдим, унинг қилган ишларини бажара олмасдим. У менинг замонимда келсайди, қилган ишлариданда жуда кўп буюк ишларни адо этган бўлар эди...” деган эди машҳур турк давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк. Бу сўзларнинг нечоғлик кучли мазмун моҳиятга эга эканлигини Амир Темур ҳамда унинг ворислари замонида биргина илм-фан, таълим ва тарбия соҳаларида амалга оширилган буюк ислоҳотлар ва ўзгаришларинг ўзи исботлар турибди.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар яшаган XIV-XV асрлар ғарб шарқшунос олимлари томонидан бежизга иккинчи ренесанс (уйғониш) даври деб юритилмайди. Сабаби айнан шу даврдан бошлаб, Моварауннаҳр деб аталмиш бизнинг диёримизда улкан қурилиш ва ободончилик, бунёдкорлик ишлари олиб борилди; илм-фан ва маданият марказлари юзага келди; таълим даргоҳлари – мадраса ва мактаблар фаолияти кенгайди; олим, шоир, мутафаккирнинг сони ошиб



борди.

Амир Темур салтанатида замонасининг таниқли алломалари ҳисобланган дунёвий фанларнинг ҳамма тармоқлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган қарийб юздан ортиқ олимлар фаолият юритган. Буни ўша даврнинг гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ шундай таърифлайди: “Темур ҳар бир жонни (олиму уламоларни) йиғиб, нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди”. Ушбу олимлар Темур ташкил этган Кўксарой кутубхонасида ишлаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Улар илму-фаннинг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб бориб, Турону заминнинг илм-фан, маданиятини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтариб, Самарқандда ўзига хос илмий марказни ташкил этдилар.

Темур даврига келиб Самарқанд олимлар масканига айланиши билан мадрасаларнинг вазибалари ҳам кенгайиб, улар юқори савияли илм-фан марказларига айлана борди. Ушбу олимларнинг кўпчилиги, айти пайтда, Темур даврида ва Темурдан олдин барпо этилган ва обод ҳолга келтирилган Самарқанд мадрасаларида талабаларга таълим берар эдилар. Уларда энди диний кадрлардан ташқари давлат хизматчилари ва иқтидорли ёш олимлар ҳам тайёрлана бошланди. Темур даврида қурилган ва обод этилиб фаолияти ижобий йўлга қўйилган мадрасалар сони биргана Самарқанднинг ўзида ўнга яқин

эди. Темурнинг суюкли набираси Мухаммад Султон мадрасаси, Ферузшоҳ мадрасаси, Бибихоним мадрасаси, Қутбиддин Садр мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидан эди. Бундан ташқари Самарқанд, Шахрисвбз, Хиротда илм-фан аҳллари, кўплаб адиблар, шоиру-бастакорлар, мусаввирлар, меъморумуҳандислар, бинокор наққошлар, моҳир хунармандлар ижод билан банд эдилар.

Амир Темур даври мафкурасининг буйёдкорлик кучи ҳамда Соҳибқироннинг бевосита амалий саъй-ҳаракати ва раҳнамолиги туфайли мамлакатда фан, маданият, санъатнинг кўп соҳалари гуркираб тараққий топди. “Маданият оламида юз берган бу юксак ақлий-маънавий ҳамда бадий ривожланишнинг мантиқий ҳосиласи сифатида кейинчалик, темурийлар ҳукмронлиги даврида қуйидаги тўрт йўналишда тўрт буюк мактаб юзага келди. Булар Мирзо улуғбек раҳбарлигидаги илм-фан тараққиёти, Ҳазрат Алишер Навоий бошчилигидаги бадий адабиёт равнақи, Абдулқодир Мароғий раҳбарлигидаги мусиқа илми ҳамда амалиёти ривож ва Камолиддин Беҳзод номи билан уйғунлашган рассомлик санъати юксалиши мактаблари эди. Бу мактабларнинг барчаси ўз даври маънавиятида ўта муҳим кашфиётлар ифодаси бўлиб, кейинги даврлар дунё маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар.” [1.29-б] Ҳозирги замон англиялик тадқиқотчиси Хильда Хукхем Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан ва маданият, таълим соҳасида олиб борилган ишлар юксак даражада эканлигини мағрурона тан олади: “Темур дунёга келган юртда, – деб ёзади



олима, - фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия, география, тарих, адабиёт соҳаларига оид оламшумул асарлар яратилди. Бу асарлар кейинчалик Европа Уйғониш даврига туртки бўлди ва Европа фанининг узоқ асрлар давомидаги тараққиётига асос бўлиб хизмат қилди...Темурнинг невараси Улуғбек Самарқандда Обсерватория куриб, астрономик жадвалларни тузди. Ўн еттинчи асрга келиб эса Англия қироллигининг биринчи астрономи Улуғбек тузган астрономик жадваллардан унумли фойдаланди. Ўн бешинчи асрни темурийлар ренессанси деб аташ мумкин.”[2.12-13б.] Бу даврда Темурнинг ота юрти Шахрисабз жойлашган мадраса қайта таъмирланиб, кенгайтирилиб, илмий тарбия марказига, яъни “Адаб илмининг гумбази”га айланган эди. Хиротда Шохрух Мирзо ҳам Темурнинг илм-фан ва маданият борасидаги саъй-ҳаракатларини давом эттириб Хуросонда энг йирик кутубхонани ташкил этди. [5]

Илм-фанга қизиқиш Амир Темурнинг хонадонидан бошланган эди десак тўғрироқ бўлади. Соҳибқирон хонадонидан фарзандлар(шахзодалар ва маликалар)га илм-фаннинг турли соҳалари бўйича кўплаб сабоқ берилар, мадрасаларда таҳсил олишлар давом эттирардилар. Масалан, “Мироншоҳ

Мирзо учун махсус Ибн ал-Асирнинг “Ал-Комил фит-тарих (Мукаммал тарих) китоби таржима қилиб берилган эди. Соҳибқирон ҳаракатлари туфайли унинг авлодлари ичида Муҳаммад Султон, Улуғбек Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Байқаро, Захириддин Муҳаммад Бобур, Камрон Мирзо, Гулбаданбегим, Зебунисо каби шоирлар, олимлар, муаррихлар, хаттотлар, ҳомийлар, маънавият ва маърифат жонкуярлари мавжуд бўлиб, улар илм-фан, маънавиятнинг қадрига етадиган салоҳиятли инсонлар сифатида тарихда қолишди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан маданиятимиз юксак даражага етди.”[3.20-б.]

Амир Темур, кўплаб машхур муаррихлар таъкидлаганидек, илмнинг қадрига етадиган, унинг ривожланишига астойдил бел боғлаган, дунёнинг етук олимлари, тарихчилари билан бемалол суҳбатлаша оладиган донишманд хукмдор эди. “Амир Темур ёққан тамаддун машъали , унинг авлодлари – Улуғбек Мирзо, Шохрух Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Байқаро Мирзо, Бобур Мирзо ва унинг авлодлари даврларида ҳам беш юз йилгача Марказий Осиё ва Ҳинд ярим оролида ёруғлигига ёруғлик қўшилиб порлаб турди. Унинг ёруғлигида жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирувчи маданият дурдоналари яратилди.”[4.стр-12,14]

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Н.Ғойибов. Амир Темур Даври маънавияти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,2001.
2. Муҳаммад Али. Амир Темур Солномаси.А.Навоий номидаги миллий кутубхона нашр.-Т.,2008.



3. Н.Ғойибов. “Амир Темур давлати сиёсатининг асоси”- “Амир Темур сабоқлари”. 1999 йил 23-декабрда “Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Шарқ нашриёти.2001.
4. Хильда Хукхем. Властитель семисозвездий. Т.,1995г.
5. www.mininnovation.uz